
#Ички_йўллардаги_ички_муаммолар_қолмайди

Кеча хабар берганимиздек, Ўзбекистон туманидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида мавжуд асфальтланмаган, тупроқли ички йўлларга шағал ётқизиш ишлари жадал тус олди.

Туман ҳокимлиги томонидан тузилган ишчи гуруҳ қайси маҳалла учун қанча миқдорда шағал етказиб бериш жоиз бўлса, барчасини аниқ ҳисоб-китоблар асосида ҳал этишга эришмоқда.

Бугун, 29 ноябр куни тумандаги Обод, Яккатут, Зиё Нурсух, Оқмачит, Шўрқишлоқ, Қудаш, Ўрта қишлоқ, Учбулак, Яйпан гузар, Каримдемона, Ойимчаққир, Оқтепа ва Деҳқонобод МФЙларига жами 1,44 км. масофада ички йўлларга шағал тўшалиб, мазкур ишларга 28 та техникалар жалб этилди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати







2019-11-29 19:14:04